2011-yil 17-noyabr № 137 (3018) payshanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмайди.*

Ислом КАРИМОВ

# Буюк салоҳиятимизга муносиб маърифат маскани

## Президентимиз Ислом Каримов 16 ноябр куни Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Маърифат маркази» биноси билан танишди

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йигирма йили давомида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг салмоғию кўламини таърифлашга сўз ожиз. Бу даврда юртимизда асрларга татигулик бетимсол ишлар қилинди. Шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини, одамларнинг яшаш шароитини бундан йигирма йил олдинги ҳолат билан қиёслаганда бу янада яққол намоён бўлади. Миллий меъморчилик ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этган бетакрор бино ва иншоотлар, муҳташам кошоналар, улкан саройлар, муаззам майдонлар, равон йўллар, маҳобатли кўприклар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий объектлар юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йилларида олдимизга қўйилган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек улуғвор мақсадлар изчиллик билан амалга ошаётганини кўрсатиб турибди.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги кенг нишонланган жорий йилда ҳам юртимизнинг барча ҳудудларида маҳобатли иншоотлар, шинам уй-жойлар бунёд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида пойтахтимиз марказида бунёд этилган «Маърифат маркази» халқимиз учун муносиб туҳфа бўлди. Ушбу замонавий муҳташам бинодан Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олган.

Президентимиз Ислом Каримов 16 ноябр куни мазкур иншоот билан танишди.

Ушбу улкан кошона истиқлол йилларида пойтахтимиз марказида барпо этилган Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, Пойтахт бизнес маркази каби бетакрор иншоотларга ҳамоҳанг тарзда яхлит композицияни ташкил қилган. Ватанимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонига туташ ушбу ҳудуд бетакрор ландшафт дизайни билан ғоят гўзал қиёфа касб этган.

Ислом Каримов дастлаб Симпозиумлар саройи билан танишди.

Йирик илмий анжуманлар, халқаро симпозиумлар ўтказиладиган маҳобатли сарой ўзининг кўрку салобати, бетакрор меъморий ечими, безаклари билан нафақат минтақамизда, балки жаҳонда ҳам ноёб ҳисобланади.

Мазкур муҳташам сарой ўзида миллий меъморчилик ва замонавий архитектура услубларини мужассам этган. Сарой деворларидаги сержило нақшлар, маҳобатли мармар устунлар, мовий гумбаз меъморчилик бобида ҳам жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирган аждодларимизнинг асрий анъаналари давом этаётганидан далолатдир.



Ушбу мажмуа миллий меъморлик санъатимизнинг ажойиб намунаси бўлиб, унинг муҳандислик ечимлари, ҳар қайси устуни, ички ва ташқи безаклари ўз кучимиз, моҳир уста, қурувчи ва мутахассисларимизнинг меҳнати билан бунёд этилгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари бундай бетакрор бино ва иншоотларни барпо этишга эришаётганимиз Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти, куч ва имкониятлари барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш ва бунёдкорлик борасида ҳам тобора юксалиб бораётганининг яққол исботи эканини алоҳида қайд этди.

«Тошгипрогор» акциядорлик жамияти лойиҳаси асосида «12-Трест» акциядорлик жамияти бунёдкорлари томонидан барпо этилган «Маърифат маркази» биносига кириб боришнинг ўзидаёқ кўз олдингизда гўзал манзара намоён бўлади — марказ атрофидаги ўзига хос ландшафт дизайни асосида яратилган ям-яшил майсазорлар, марказнинг ҳар икки томонида бунёд этилган фавворалар ташқи умумий манзарани бойитиш баробарида ҳудудда микроиқлим ҳосил қилади.

Давлатимиз раҳбари саройнинг вестибюли, дизайни, замонавий меъморий ечимларга уйғун миллий анъана ва услубларни, ёритиш тизимини, деворда ноёб тошлардан ишланган улкан панноларни, бу ерга келувчилар учун яратилган шароитларни юқори баҳолади.

Симпозиумлар саройининг 1000 ўринли катта зали ўз салобати ва маҳобати билан ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Меъморий ечимига кўра дунё тажрибасида ҳали учрамаган гумбаз атрофи бўйлаб жойлаштирилган 36 дераза залда кун давомида табиий ёруғликни таъминлайди.

Зал асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебеллар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Барча компьютерлар интернетга симсиз уланган.

Президентимиз «Маърифат маркази»да жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан танишди.

Юртимиз қадимдан жаҳон цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган, дунё илмий жамоатчилигининг диққат-марказида бўлган. Маънавият ва маърифат, илм-фан ва маданият юксак қадрланган.

Мустақиллик йилларида халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган кўплаб маърифат масканлари барпо этилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ана шундай замонавий кошонага жойлаштирилгани ҳам мамлакатимизда маънавият ва маърифат ривожи йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир намойиши бўлди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мамлакатимизда миллий ва жаҳон маданиятини, фан ва таълимни ривожлантириш йўлида ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи универсал ахборот-кутубхона муассасаси ҳисобланади. Миллий кутубхонамизнинг бой ва нодир ахборот-кутубхона фонди маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидир.

Кутубхонанинг янги биносидан китоблар музейи, ўқув заллари, китоблар дўкони, киномарказ, интернет ва медиамарказ, болалар хонаси, дам олиш хоналари ўрин олган. Янги бино замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, автоматлаштирилган яхлит ахборот-кутубхона тизимига эга. Ахборот-кутубхона фондини белгиланган меъёрлар асосида сақлашнинг автоматлаштирилган тизими мавжуд.

Кутубхонанинг ўқув залларига электрон каталог, интернет ва электрон маълумотлар базасига уланган компьютерлар ўрнатилган. Илмий ходимлар, нота-мусиқа нашрлари, тадқиқотчилар учун алоҳида қулайликлар яратилган.

Мамлакатимиз раҳбари ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало юксак маданияти, маърифат ва маънавияти, баркамол ёшлари билан кучли эканлигини таъкидлади. Шу маънода, ушбу зиё маскани аввалambор ёшларимизни юксак интеллектуал билим ва салоҳиятга эга, эркин фикрловчи инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Президентимиз кутубхона фаолияти билан танишар экан, унинг ишини мазмун жиҳатдан янада мукаммаллаштириш, мавжуд тузилмани замон талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, бунда энг тараққий этган давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш лозимлигини таъкидлади. Кутубхона фондидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш, китобхонларга хизмат кўрсатишда аҳоли турли ёш қатламларининг талаб ва эҳтиёжлари, қизиқишларини эътиборга олиш, кўрсатилаётган қўшимча хизматлар турларини янада кенгайтириш ва сифатини ошириш юзасидан тавсиялар берди.

Азим пойтахтимиз чиройига чирой қўшган «Маърифат маркази» ўзбек миллий шаҳарсозлик мактабининг яна бир ёрқин намунаси бўлиб қолади. У буюк аждодларимиз бунёд этган боқий обидалар сингари Ватанимиз шуҳратини оламга ёйишга, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган шарт-шароитларда ўқиб-изланиши ва камолга етишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат**

## Янги кун янгиликлари

**Хоразм**

*Қишлоқ врачлик пунктларида замонавий тиббиёт жиҳозларидан фойдаланишда узлуксиз электр энергияси талаб этилади. Вилоятнинг чекка қишлоқларида жойлашган ҚВПлар қуёш батареялари билан жиҳозланмоқда. Айни пайтда 8 та ҚВП қайта тикланувчи электр манбалари билан таъминланди.*

**Бухоро**

*Жондор туманидаги «Али Мирфайз» масъулияти чекланган корхонаси раҳбари Нурали Баҳронов фаолият доирасини кенгайтириш мақсадида «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимидан 20 миллион сўмлик кредит олди. Шу тариқа ишлар юришиб кетди.*

*— Олган кредитимиз эвазига Россия, Франция, Хитой давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий 8 та тикув машинаси ва зарур жиҳозлар харид қилдик, — дейди уста Эътибор Эргашева. — Натижада 10 нафар аёлга доимий ишчи ўрни яратилди. Туман марказида мазкур тикувчилик цехи мижозларга юқори сифатли кийим-кечаклар тикиб беришмоқда.*

**Андижон**

*Олтинкўл туман марказида 150 тонна мева-сабзавотни сақлашга мўлжалланган совуқхона (холодильник) ишга туширилди.*

*Замонавий компютерлар билан бошқариладиган ускуналар Хитой Халқ Республикасидан келтирилган бўлиб, улар ёрдамида зарур ҳароратни сақлаб туриш имкони вужудга келди. Ҳозирги кунгача совуқхонага 50 тонна картошка, 5 тонна мевалар сақлашга қўйилди.*

*Матлуботчилар келгусида минг тоннагача маҳсулот сақлаш имконини берувчи совутгичлар қуришни режалаштирган.*

**Сирдарё**

*Абдурашид Зиёев Янгиер шаҳридаги изланувчан тадбиркорлардан. Яқинда шаҳар ҳудудидаги қаровсиз бинони ўз ҳисобидан таъмирлаб, замонавий корхонага айлантирди. Бу ерда турли полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лойиҳани амалга ошириш учун банкдан 103 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олинди. Сармоя эвазига хориждан замонавий технологиялар олиб келинди. 15 киши меҳнат қилаётган «Махсус полимер монтаж» корхонасида йилига 1000 тонна полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш имконияти яратилди.*

**Қашқадарё**

*Мамлакатимизда нефт-газ саноатини ривожлантиришга катта аҳамият беріляпти. Жанубий Африка Республикасининг «Sasol» ва Малайзиянинг «Petronas» ҳамда «Ўзбекнефтгаз» компаниялари ўртасида «Шўртангазкимё» мажмуасининг тозаланган метан газидан синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқариш лойиҳасининг имзоланиши ҳам бу йўлда муҳим қадам бўлди дейиш мумкин.*

*Қашқадарё вилоятида янги заводни барпо қилиш мақсадида 2009 йилнинг ноябрда юқоридаги компаниялар томонидан «UZBEKISTAN GTL» қўшма корхонасининг таъсис этилиши ушбу лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда мустаҳкам замин яратди.*

*— Мазкур қўшма корхона МДҲда ягона бўлиб, экологик тоза синтетик ёқилғи юқори технология ва инновациялар асосида ишлаб чиқарилади, — дейди ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Жумақул Қурбонов. — Заводда Евро-IV, Евро-V стандартларига мос дизел ёқилғиси ва авиакеросин тайёрланади.*

*Президент асари ўрганилмоқда*

# Кечанинг тарихи, бугуннинг таҳлили ва эртанинг дастури




***Кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳамда касаба уюшмалари олдидаги долзарб вазифаларга бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда касаба уюшма фаоллари, маънавият тарғиботчилари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.***

— Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби бугунги кунда республикамиздаги барча идора ва муассасалар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партияларда кенг муҳокама этилмоқда. Ушбу асарни нафақат ўқиб-ўрганиш, балки ундан келиб чиқадиган хулосалар асосида янги вазифаларни белгилаб олиш бўйича давра суҳбатлари, илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда. Бугун биз ҳам касаба уюшма фаоллари ва мутахассис-олимларни таклиф этиб, мана шу китобни яна бир бор ўқиб, яна бир бор муҳокама этиб, ўзимиз учун вазифалар белгилаб олишга йиғилганмиз, — деди конференцияни очар экан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — Китобда Президентимизнинг мустақиллик арафасидаги жараённи ифодаловчи маърузалари, интервюлари ва бошқа тарихий ҳужжатларни ўқиб бемалол бу асарни мустақиллик дарслиги, деб аташ мумкин. У бир кунда эмас, балки доимо ўрганиладиган дастуриламал ҳисобланади.

Асарда Президентимизнинг кенг қамровли сиёсий фаолияти акс этган ва сўзсиз унинг мустақиллигимизнинг 20 йиллик тарихини ўрганишдаги аҳамияти беқиёс. Чунки китоб орқали Юртбошимиз мустақиллик арафасида ва мустақилликнинг илк даврида нечоғлик машаққатли вазифани бажарганига гувоҳ бўламиз. Ўша пайтлар халқимиз ҳаёти жуда ҳам танг аҳволда эди. Айниқса, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, аёлларимиз, фарзандларимизнинг саломатлиги паст кўрсаткичда бўлган. «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» дея халқимиз камситилган вақтда Президентимиз ҳеч кимдан чўчимасдан, қатъийлик билан мустақиллик ғояларини кун тартибига олиб чиққан эдилар. Мисол келтирадиган бўлсак, ўша пайтлари Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича собиқ Иттифоқда 12 ўринда, аҳоли жон бошига миллий даромад кўрсаткичи собиқ Иттифоқда ўртача даражадан икки ҳисса кам бўлган. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги икки баравар ортда, зарур озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишда энг охирги ўринда бўлган. Шундай танг ҳолат туфайли қатор фожиали воқеалар, оммавий тартибсизликлар содир бўла бошлади. Ушбу мураккаб вазиятда халқимизни оғир инқироздан олиб чиқиб кетиш осон иш эмас эди, албатта.

Аммо қатъият ва жасорат билан бунинг уддасидан чиқилди. Аввал бошданоқ улуғ мақсад йўли тўғри белгиланган эканки, бугун биз унинг мевасидан баҳраманд бўлмоқдамиз. Шу ўринда 1989 йилда оилаларга томорқа ажратиш бўйича қабул қилинган қарорни эслайлик. Унда томорқа тарқатиш орқали аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш кўзда тутилган эди. Айни пайтда халқимизнинг фаровонлигини ошириш мақсадида ана шу усулдан янада кенг фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Ушбу масалага касаба уюшмалари ҳам сафарбар этилган. Томорқадан самарали фойдаланиш, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш эл маъмурчилигига хизмат қилади. Аҳоли тўқ бўлса, касаба уюшмаларининг иши ҳам осонлашади. Бошқа йўналишлардаги масалаларга кўпроқ эътибор қаратишимиз учун имконият яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, чақалоқ ҳам дастлаб эмаклайди, сўнгра оёққа туради ва юриб кетади. Мамлакатимиз эса Юртбошимиз раҳнамолигида биринчи кунларданоқ дадил қадамлар билан оёққа турди.

***Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари:***



— Бугунги анжуманимиз «Биз ким эдик ва бугун киммиз?» деган саволга улкан далиллар билан қайтарилган жавоб ҳақида. 20 йил тарих олдида қисқа вақт, лекин шу муддатда, керак бўлса, асрларга татигулик ишлар қилиш мумкинлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳақиқатан ҳам халқ ҳаётининг бурилиш паллаларида, энг қийин вазиятларда муаммоларни ҳал қилишга қодир доно сиёсатчи майдонга чиқар экан. Буюк йўлбошчиларнинг қўли доим халқ юрагининг «пулт»ида бўлади. Чунки ҳамма ўзини ўйласа, улар халқни ўйлайди. Шунинг учун ҳам улар айтган ва ёзган фикрлар кечанинг тарихи, бугуннинг таҳлили, эртанинг дастури бўлиб келган. Биз бугун ана шундай китоб ҳақида фикрлашаяпмиз ва мулоҳаза юритаяпмиз.

Китобни ўқиган кишининг хаёли беихтиёр 1989 йилларга кўчади. Бу асар 1700 та авария ҳолатидаги мактаблар бор пайтдаги воқеалардан сўзлайди. Ҳозир бирорта авария ҳолатидаги мактаб қолдими?! Томорқасиз қишлоқ кишиларидан сўзлайди. Жиноятчилар давр сурган кечалардан сўзлайди. Ўша пайтлар тўрт-беш лўттибоз тўпланиб олиб «адолатталаб»лик ниқобида адолатсизликлар қилганининг гувоҳи бўлганмиз. Президентимиз республикага раҳбар этиб тайинланганида мана шундай аҳвол ҳукмрон эди.

(Давоми 2-бетда)

# Кечанинг тарихи, бугуннинг таҳлили ва эртанинг дастури

(Давоми.
Боши 1-бетда).



Халқимиз собиқ Иттифоқ «дастурхони»га қўшадиган ҳиссаси бўйича учинчи, лекин ундан таомланишда ўн иккинчи ўринда турган. Бу китоб ўзбеклар порахўр, ўғри, миллатчи сифатида айбланган кунлардан ҳикоя қилади. «Энди биз эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди», дейди Президентимиз. Ўша пайтда Ўзбекистон собиқ Иттифоқда миллатлараро можаролар марказига айланган эди. Китобни ўқиганингизда ўша фожиаларни ҳис этасиз. Аслида халқимиз, миллатимиз, бу ҳақда Президентимиз бир неча марта айтганлар — юртимизда ҳеч қачон миллатчилик қилинмаган, ҳеч қачон бизнинг еримизда динлараро келишмовчилик юз бермаган. Бу халқимизнинг бағрикенглигидан гувоҳлик беради. Халқимизнинг маънавияти, Юртбошимизнинг юксак салоҳияти ва вазиятни тўғри баҳолай олиши туфайли бир неча бор миллатлар ўртасидаги можароларнинг олди олинди. Халқаро экспертларнинг айтишича, ўша пайтда бундай зиддиятларга чек қўйилмаганда, бутун Марказий Осиё аланга ичида қоларди. Демак, давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати туфайли минтақадаги миллионлаб кишилар хонавайронликка дучор бўлишдан сақлаб қолинди.

Ўша пайтдаги орзуларнинг рўёбини бугун барчамиз кўриб турибмиз. Биргина мисол: Ўзбекистон оналар ва болалар ўлимининг камлиги бўйича энг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиб, 9-ўринни эгаллаб турибди. Аҳолининг ўртача умр кўриши олти йилга узайди.

Яна бир муҳим жиҳат, Юртбошимиз Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ишлаб чиқиш ғоясини илгари суради. Ўша пайтлар мактабни битирган 100 нафар боладан 10 таси ўқишга кирарди. Ишлай деса, қўлида ҳунари йўқлигидан кўплаб ёшлар жиноятчилик йўлига кириб кетишган. Ҳозир эса ёшларимиз коллежни битирган, мутахассисликка эга. Бу ижтимоий ҳимоя, баркамол авлод келажаги ҳақида қайғуришнинг яққол исботи эмасми?!

Бир сўз билан айтганда, ўша қалтис замонларда Президентимиз ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, халқимизни ёрқин келажак сари бошлагани, айни пайтда бунинг учун нечоғлик ирода, жасорат керак бўлганини ушбу китоб орқали чуқур англашимиз мумкин.

***Қиёмиддин НАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори:***



— Мазкур китоб тўғрисида гапирганда, аввало, баъзи жиҳатларга эътиборни қаратиш лозим бўлади. Инсоният тарихида шундай даврлар бўлганки, бундай пайтда у ёки бу ҳудудда, минтақада, давлат, халқ ҳаётида жаннат барпо этиш эмас, балки одамларнинг даҳшатли фожиалар домига тушиб қолишига йўл қўймаслик учун ниҳоятда кўп тер тўкилган. Ушбу китобда акс этган 1989 йилнинг 24 июлидан то 1992 йилнинг январигача бўлган даврни диққат билан назардан кечирар эканмиз, шундай таҳликали вазият мамлакатимизнинг ҳам бошига тушганини, бундай мураккабликлар тўфонидан халқ жабр чектирмай олиб чиқилганига гувоҳ бўламиз. Даврнинг қонуниятларини, хусусиятларини, ҳаракатлантирувчи кучларини, воқеалар ривожини олдиндан билмаган раҳбарлар хатоси туфайли қанчалаб давлатларнинг таназзулга учраганини инсоният тарихи кўп кўрган.

Китобдан ўрин олган, ҳаёт ҳақиқатини акс эттирадиган фикр-мулоҳазалар, чиқишлар, мақолалар, маърузалар айтилган даврга эътибор қаратсак, мамлакатимиз тақдири, халқимизнинг ҳаёти ва келажаги ўша пайтдаги воқеалар, масалалар, муаммоларнинг ечимига нақадар боғлиқ бўлганини ҳис этамиз.

**Биринчидан**, бу китоб ўша даврнинг ҳақиқий қиёфасини ифодалайдиган, ўша давр тўғрисида ҳақиқатни сўзлайдиган, бугун рад этиб бўлмайдиган тарихий далилларга асосланган қомусий асардир. Асар айнан ўша йилларда Президентимиз томонидан амалга оширилган ишларни акс эттирган сўзлар, хулосалар, маърузалар, чиқишларнинг тўплами сифатида катта аҳамият касб этади.

**Иккинчидан**, истиқлол арафаси ва озодлигимизнинг дастлабки кунларидаги ижтимоий-сиёсий вазият қандай шиддат-шижоатни талаб этган бўлса, китоб бизга шу тўғрида кенг тасаввур беради.



**Учинчидан**, Ўзбекистон мустақилликка эришиши тарихини сохталаштиришга, турли мақсад-муддаоларни хаспўшлашга ҳаракат қилувчиларга нисбатан асл жавоб сифатида жуда катта қимматга эга.

**Тўртинчидан**, китобни ўқир экансиз, ундан бирорта ҳужжат, мақола, фикрларнинг тасодифий, яъни ўша даврда кўзланган мақсад-муддаолардан айро эмаслигига қойил қоласиз. Асардаги энг асосий ғоя бу — мустақиллик ғояси. Китоб динамикаси Президентимизнинг халқимизни муттасил мустақиллик томон дадил бошлаб борганини кўрсатади.

**Бешинчидан**, асар мутолааси жараёнида ҳаётда доим ҳам йиллар, асрларга қараб ўтириш, кутиш керак эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Умуман, тарихнинг бурилиш палласида, бир даврдан иккинчи даврга ўтишни дақиқалар ҳал қилади. Ушбу дақиқаларда кейинги ўн, юз йиллар олдиндан белгиланганлигига амин бўласиз.

Хулоса сифатида айтсак, мазкур китобда мустақиллик ўз-ўзидан қўлга киритилмагани, Президентимиз бошчилигида машаққатли курашлар билан унга эришилгани акс этган. Қолаверса, ўша таҳликали даврларда мустақиллик ғояси Юртбошимиз кўнглида туғилиб, халқимизни тараққиёт йўлига бошлаганини кўрсатади.

Шу маънода китобни уқиб ўқиш керак. Унинг тарғиботини алмисоқдан қолган кўринишда эмас, янги интерфаол усулда, мисоллар асосида олиб бориш зарур. Бу китобни ўқитишда мажбурлаб бўлмайди. Шундай йўл тутиш керакки, асарни ўрганиш эҳтиёжга айлансин.

*Шунингдек, конференцияда касаба уюшма фаоллари ҳам Президентимиз асарининг аҳамияти, уни ўрганишнинг долзарблиги ҳақида гапирдилар. Жумладан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тарихи музейи директори Тоҳир Назаржонов, «Мерседес-Бенц» корхонаси касаба уюшма қўмитаси ходими Елена Путинцова, Чилонзор туманидаги 35-оилавий поликлиника бош шифокори Саодат Ҳамидова, Ўзбекистон Миллий университети талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси Ислом Ҳамроев, ЎзКУФК Ўқув маркази директори К.Переверзев ҳамда Федерация кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ирисмуҳаммад Абдукаримов китобда ўша даврдаги дадил қадамлар очиб берилганлиги, шу боис бугун барча соҳада юксак натижаларга эришаётганимизни таъкидлашди. Дарҳақиқат, алоқа, транспорт, тиббиёт, ёшларга эътибор, таълим, маънавият, умуман, барча жабҳада кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди ва амалга оширилаяпти. Бунинг натижаси ўлароқ, ютуқларимиз халқаро ҳамжамият томонидан тан олинмоқда, тажрибаларимиз ўрганилмоқда.*

*Конференция якунида «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган хулосалар асосида тегишли вазифалар белгилаб олиниб, касаба уюшма ташкилотларида асарни кенг тарғиб-ташвиқ этишга доир тавсиялар қабул қилинди.*

**Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири**

*Томорқа — хазина*

**_Олтиариқ туманида маҳаллий одат бўйича катта йўллар ёқасидаги йўлаклар бўйлаб токлар парваришланади. Совуқ бошланиши билан узум бошларини муҳофаза қилиш мақсадида ишкомлар тепаси, ён-атрофи жўхори поялари билан беркитилиб, устидан плёнка тўшалади. Қарабсизки, ҳар қанча совуқ бўлмасин, узум яхши сақланади._**

**_— Ҳовли ва йўлаклардаги ишкомларни шу тариқа ўраш натижасида камида 5 тонна узумни асраб қолдим, — дейди тумандаги Эскиараб қишлоғилик Шаҳобиддин Қорабоев. — Уларни халқимизнинг янги йил байрами дастурхонига атадик._**

# Том ортидаги экин майдони

Вилоят бўйича мустақиллик йиллари 53 минг гектардан зиёд ер майдони аҳолига томорқа сифатида берилди. Ҳукуматимиз томонидан чуқур ўйлаб амалга оширилган бу сиёсат замирида аҳолини уй-жой, иш билан таъминлаш, мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш назарда тутилган. 53 минг гектар экинга яроқли ер Ўзбекистон, айниқса, Фарғона водийси шароитида муҳим аҳамиятга эга. Хўш, ҳар қаричи олтинга тенг бу майдонлардан қандай фойдаланилмоқда? Олтиариқ, Тошлоқ, Қува ва бошқа туманларда томорқа хўжалигидан фойдаланиш давр талаби даражасида ташкил



этилган дея бемалол айтса бўлади. Ушбу туманлардаги томорқа хўжаликларида деҳқончилик маданиятининг энг илғор усулларини қўллаш, ҳар бир қарич ердан оқилона фойдаланиш натижасида томорқадан йилига уч-тўрт маротаба ҳосил етиштириб, юқори даромад олаётган миришкорлар сафи кенгайиб бораётир.

Олтиариқ тумани Полосон қишлоғида яшовчи миришкор томорқачи деҳқон Абдулатиф Ўлмасов 8 сотих томорқасини токзорга айлантирди. Ишкомлар тагига эса бу йил эрта кузда саримсоқпиёз экди. Уйи олдида бодринг, помидор, турли резаворлар парваришлайди. Унинг хонадонида бўш турган ер йўқ. Олтиариқ қишлоғи Чинортаги кўчасида истиқомат қилувчи Юсуфжон Ёқубов хонадонида ҳам томорқа парвариши шу тарзда йўлга қўйилган. Янгикўрғон қишлоғи Маънавият кўчасида яшовчи Шокиржон Назаров хонадонида эса 8 сотих томорқадаги узум ишкомлари остида редиска, қалампир ва бошқа резаворлар етиштирилади.

— Туманимизда 3105 гектар томорқа экин майдонлари мавжуд, — деди Олтиариқда бўлиб ўтган «Аҳоли хонадонларида томорқа майдонларидан фойдаланиш» мавзусидаги кўргазмали семинарда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Одилжон Ибрагимов. — Ҳозирда 550 гектардан зиёд томорқа ерларига пиёз, саримсоқпиёз, зираворлар ва бошқа сабзавот экинлари экилган. Туманимиз томорқа ерларида сабзавот экинлари майдонини 700 гектарга етказишни ният қилганмиз.

Таъкидлаш керакки, томорқа эгаларига деҳқон ва фермерлар уюшмаси, ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядлари, банклар ҳар тарафлама кўмак бермоқда. «Қишлоқхўжаликкимё» ташкилоти бир йиллик агротехник меъёрлар асосида томорқаларни минерал ўғит билан таъминлашни зиммасига олган. Туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди томорқалардаги боғ ва экинзорларни кимёвий ишловдан чиқариш учун шай. Энг намунали ҳисобланган илғор томорқачи хонадонларга мазкур ташкилотларнинг бепул хизмат кўрсатиш бўйича сертификатлари берилди. «Агробанк» туман бўлими сабзавот ва мева-чева етиштирувчи томорқачиларга кредитлар ажратмоқда.

Яқинда Тошлоқ туманида бўлиб ўтган томорқа хўжалигидан фойдаланишга бағишланган семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирок этиб, томорқа хўжалигини янада ривожлантириш масалалари, бу борадаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти хусусида батафсил тушунча берди.

Томорқа хўжалиги қадимдан ўзбек деҳқончилик маданиятида алоҳида ўрин тутиб келган. Ҳар бир деҳқоннинг даласидан ташқари яшаш жойи ортида ҳам кичик-кичик ерлар, токзорлар бўлган. Мана шу майдонларда оила эҳтиёжи учун сабзавот, резавор экинлар парваришланган. Вилоят касаба уюшмаси аъзолари бугунги давр талабидан келиб чиқиб, ана шу анъанани янада ривожлантириш, томорқани мўл-кўл мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш майдонларига айлантириш учун бор имкониятини ишга соладилар.

**Алишер ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири**

# Аттестация — қобилият кўриги

**_Ходимларнинг билим савияларини аниқлаш ва уни холисона баҳолаш, касбий малакаларини мунтазам равишда ошириб боришга рағбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ва Федерация кенгаши тасарруфидаги ташкилотлар ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Федерация кенгаши қарори ижросини таъминлаш юзасидан алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди._**

— Аттестация жараёнида жами 21 нафар ходим ҳамда 19 нафар касаба уюшма етакчиларининг билим ва тажрибалари кўрикдан ўтказилди, — дейди Марказий кенгаш раисининг ўринбосари Эршод Юсупов. — Бу тадбир тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши масъул ходимлари ҳамда фаолларимизнинг ўз вазифаларига бўлган масъулиятларини мустаҳкамлади. Бир сўз билан айтганда, ушбу жараён фойдали бўлди.

Марказий кенгашнинг октябр ойида бўлиб ўтган раёсат йиғилиши кун тартибига киритилган масалаларда Наманган ва Фарғона вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмиталарининг аттестация жараёнидаги фаолиятини ўрганиш натижалари юзасидан ахборот тингланди ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

**Ўз мухбиримиз**

*Меҳнат муҳофазаси*

**_Соғлом инсонгина ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши, ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтиши, юксак марралар сари интилишга куч топа олиши мумкин. Шу боисдан ҳам умримизнинг асосий қисмини банд қилган ишхонамизда шарт-шароит борми, меҳнат хавфсизлиги масалаларига панжа ортидан қаралмаяптими — ана шулар ҳақида сўрашга, талаб қилишга ҳақлидирмиз._**

# Илгари силжиш бор



«Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамияти тизимидаги 8 та унитар корхонада меҳнат муҳофазаси бўйича 134 та жамоатчи вакил сайланган. Улар ҳар йили уч кун давомида жамият тасарруфидаги ўқув марказида ўқитилиб, тегишли гувоҳномаларга эга бўлади. Унитар корхоналар касаба уюшма қўмита раисларининг биринчи галдаги вазифаси ҳам айнан меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар олиб бораётган ишларни назорат қилишдан иборат. Бу масала жамиятнинг жамоа шартномасида ҳам белгилаб қўйилган ва унга кўра меҳнат муҳофазаси бўйича намуна кўрсатган вакил белгиланган миқдорда рағбатлантириб борилади.

Бундан ташқари, очиқ акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшма қўмитаси тасарруфида ташкил этилган меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича комиссия тасдиқланган режа асосида бу йўналишда олиб борилаётган ишларни жиддий назорат қилиб боради. Жамиятда амалда бўлган мавжуд жамоа шартномаси ва меҳнат муҳофазаси бўйича ҳар йили янгидан тузиб чиқиладиган келишув бандларининг тўлиқ бажариб борилиши каби масалалар ушбу комиссия томонидан тўлиқ тафтиш қилинади. Шунингдек, меҳнат қонунчилиги, ёнғин хавфсизлиги, санитария-гигиена, экология каби масалалар ҳам эътибордан четда қолдирилмайди. Ушбу масалалар бўйича тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳар ҳафта жамият бирлашган касаба уюшма қўмитаси йиғилишларида кўриб чиқилади.

Жорий йилда меҳнат шароитларининг яхшиланишига сабаб бўлган муҳим омиллардан бири, бу аттестациядир. Аттестация хулосаларига кўра 6 кундан 15 кунга қадар меҳнат таътилига қўшимча кунлар қўшиб берилмоқда. Шунингдек, ходимларга махсус кийим-кечак, меҳнат қуроллари ва ҳимоя воситалари бериб борилади. Жамият маъмурияти ва бирлашган касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорлиги туфайли меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида асосий ишлаб чиқариш бинолари, омборхоналар, санитария-маиший хоналари таъмирлаб турилади. Инсон соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган иш ўринларини имкон борича зарарсизлантириш ва қонунда белгиланган талаб даражасига келтириш учун барча чора-тадбирлар қўлланилмоқда.

Жамоада касб касалликларининг олдини олиш йўлида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили ишчи-хизматчилар бир марта тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилади. Соғлиғига озми-кўпми зарар етган ходимларга даволанишлари учун жамият ҳисобидан маблағ ажратилади. Жорий йилда 90 дан зиёд ходимга республикамиз ҳудудида жойлашган санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар берилди.

Ходимларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарали бўлмоқда. Очиқ акциядорлик жамиятида 2010 йилнинг 9 ойи давомида 13 та бахтсиз ҳодиса рўй бериб, шундан тўрттаси ўлим билан тугаганди. Жорий йилда эса битта оғир ва учта енгил жароҳат олган тўртта ходим билан бахтсиз ҳодиса рўй берди. Бу ҳам техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик натижасида содир бўлганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

— Ишимиздаги энг муҳим вазифа меҳнат хавфсизлигини таъминлашдир, — дейди очиқ акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Абдуносир Қаюмов. — Иш берувчи билан ҳамкорликда бу борада барча чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқдамиз. Бироқ айрим ходимлар томонидан ўз ҳаёти ва соғлиғига бефарқлик билан қараш оқибатида кўнгилсиз ҳодисаларнинг рўй бериши кишини ранжитади.

Касабақўмнинг гапида ҳам жон бор, албатта. Қарс икки қўлдан чиқади. Ахир инсонга ҳаёт бир марта берилади. Уни авайлаб-асраш, гўзал ва фаровон турмуш кечириш ўз қўлимизда.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ ва унинг ҳудудий филиалларининг танлов савдоларига чиқарилган ер майдонларига бўлган доимий фойдаланиш ва узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқларининг 2011 йил 7 октябрдан 11 ноябргача бўлган муддатдаги танлов савдоси натижалари

| № | Объектнинг номи | Жойлашган жойи | Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати (сўмда) | Танлов ғолибининг таклифи (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| | **Давлат объектлари** | | | |
| | **Бухоро вилояти** | | | |
| | **Танлов бўлиб ўтган сана – 2011 йил 26 октябр** | | | |
| 1 | 2-сонли савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Бухоро туман, Шехонча ҚФЙ, Дечабеги қишлоғи ҳудудидан | 29 312,0 | 58 624,0 |
| | **Танлов бўлиб ўтган сана – 2011 йил 28 октябр** | | | |
| 2 | Савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Когон шаҳар, Бирдамлик кўчаси | 90 240,0 | 300 000,0 |
| 3 | 1-сонли маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Жондор тумани, Дўстлик кўчаси | 21 900,0 | 2 000 000,0 |
| 4 | 2-сонли савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Жондор тумани, Дўстлик кўчаси | 32 900,0 | 350 000,0 |
| 5 | 3-сонли сомсахона қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Жондор тумани, Дўстлик кўчаси | 21 900,0 | 400 000,0 |
| 6 | 4-сонли савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Жондор тумани, Дўстлик кўчаси | 11 900,0 | 50 000,0 |
| 7 | 5-сонли савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Жондор тумани, Дўстлик кўчаси | 11 900,0 | 2 000 000,0 |
| 8 | 6-сонли сартарошхона биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Жондор тумани, Дўстлик кўчаси | 11 900,0 | 2 000 000,0 |
| 9 | 7-сонли гўзаллик салони биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Жондор тумани, Дўстлик кўчаси | 11 900,0 | 450 000,0 |
| | **Танлов бўлиб ўтган сана – 2011 йил 4 ноябр** | | | |
| 10 | Савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Ромитан шаҳар, Нурафшон кўчаси | 70 309,0 | 150 000,0 |
| 11 | Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Ромитан тумани, Ромитан ҚФЙ, Гарангшоҳ ҳудудидан | 80 360,0 | 1 900 000,0 |
| 12 | Мини маркет биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Ромитан шаҳар, Ойбек кўчаси | 63 805,0 | 600 000,0 |
| 13 | Маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Ромитан шаҳар, Ойбек кўчаси | 46 204,0 | 150 000,0 |
| 14 | Маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Ромитан тумани, Боғитуркон ҚФЙ, Марзия қишлоғи | 36 354,0 | 120 000,0 |
| 15 | Савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Ромитан тумани, Боғитуркон ҚФЙ, Марзия қишлоғи | 15 936,0 | 150 000,0 |
| 16 | Кондитер маҳсулотлари биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Ромитан тумани, Боғитуркон ҚФЙ, Марзия қишлоғи | 30 876,0 | 130 000,0 |
| 17 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Когон шаҳар, Хўжабарги МФЙ, Қоровулбозор шоҳ кўчаси | 135 360,0 | 220 000,0 |
| 18 | Чойхона биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Когон шаҳар, М.Таробий кўчаси | 180 480,0 | 250 000,0 |
| | **Танлов бўлиб ўтган сана – 2011 йил 9 ноябр** | | | |
| 19 | 1-сонли автотеххизмат биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент шаҳри, Кулолчи МФЙ, Ўба кулолон кўчаси | 27 040,0 | 40 000,0 |
| 20 | 2-сонли автотеххизмат биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент шаҳри, Кулолчи МФЙ, Ўба кулолон кўчаси | 27 040,0 | 40 000,0 |
| 21 | 3-сонли автотеххизмат биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент шаҳри, Кулолчи МФЙ, Ўба кулолон кўчаси | 27 040,0 | 40 000,0 |
| 22 | 4-сонли ошхона биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент шаҳри, Кулолчи МФЙ, Ўба кулолон кўчаси | 103 670,0 | 145 000,0 |
| 23 | 5-сонли нонвойхона биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент шаҳри, Кулолчи МФЙ, Ўба кулолон кўчаси | 27 040,0 | 65 000,0 |
| 24 | 6-сонли автоэҳтиёт қисмлари биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент шаҳри, Кулолчи МФЙ, Ўба кулолон кўчаси | 27 040,0 | 72 000,0 |
| 25 | 7-сонли тикиш-бичиш цехи биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент шаҳри, Кулолчи МФЙ, Ўба кулолон кўчаси | 64 900,0 | 100 000,0 |
| 26 | 18-сонли савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент шаҳри, Кулолчи МФЙ, Ўба кулолон кўчаси | 27 040,0 | 60 000,0 |
| 27 | 19-сонли савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент шаҳри, Кулолчи МФЙ, Ўба кулолон кўчаси | 27 040,0 | 57 000,0 |
| 28 | 1-сонли савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент туман Кумушкент ҚФЙ Кумушкент қишлоғи | 11 250,0 | 200 000,0 |
| 29 | 5-сонли савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент туман, Кумушкент ҚФЙ, Кумушкент қишлоғи | 11 250,0 | 100 000,0 |
| 30 | 6-сонли савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент туман, Кумушкент ҚФЙ, Кумушкент қишлоғи | 11 250,0 | 85 000,0 |
| 31 | 12-сонли хўжалик моллари дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент туман, Кумушкент ҚФЙ, Кумушкент қишлоғи | 11 250,0 | 100 000,0 |
| 32 | 13-сонли хўжалик моллари дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент туман, Кумушкент ҚФЙ, Кумушкент қишлоғи | 11 250,0 | 95 000,0 |
| 33 | 15-сонли хўжалик моллари дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Вобкент туман, Кумушкент ҚФЙ, Кумушкент қишлоғи | 11 250,0 | 100 000,0 |
